

4/2023,
iyul-
avgust
(№ 00066)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУҒИЛИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Абдурахманов Абдуазим Джалалитдинович

*Тошкент молия институти, "Статистика ва эконометрика" кафедраси
профессор в.б, и.ф.н. Тошкент, Ўзбекистон. azim2191@mail.ru*

<https://orcid.org/0000-0001-6589-9430>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a7

Аннотация

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида туғилиш кўрсаткичлари динамикасини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда мустақиллик йилларидан то ҳозирга қадар бўлган даврдаги туғилиш кўрсаткичлари статистик таҳлил қилинган. Шунингдек, туғилиш кўрсаткичларини яққол ифодалаш имконини берадиган туғилишнинг умумий коэффициенти, туғилишнинг йиғинди коэффициентлари динамикаси маълум даврларга бўлиб ўрганилган. Б.Ц.Урланис томонидан таклиф этилган туғилиш коэффициентини баҳолаш шкаласини қўлланилган ҳолда туғилиш коэффициентларини баҳоланган. Туғилишнинг йиғинди коэффициентлари ҳам баҳолаш шкалалари ёрдамида баҳоланган бўлиб, республикамиз вилоятлари бўйича фарқланишлар баён қилинган. Динамика қаторларининг таҳлиллари асосида туғилиш умумий тенденциялари аниқланган ва баҳоланган.

Таянч сўзлар: Ретроспектив анализ, аҳоли сони динамикаси, туғилиш коэффициенти, туғилишнинг йиғинди коэффициенти, статистика, демографик жараён, тренд.

ТЕНДЕНЦИИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РОЖДАЕМОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Абдурахманов Абдуазим Джалалитдинович

Ташкентский финансовый институт, к.э.н., и.о. профессора кафедры «Статистика и эконометрика»

Аннотация

Данная статья посвящена изучению динамики рождаемости в Республике Узбекистан, в которой статистически проанализированы показатели рождаемости с лет независимости до настоящего времени. Также изучалась динамика общего коэффициента рождаемости, динамика суммарного коэффициента рождаемости, которая позволяет получить наглядное представление о рождаемости за отдельные периоды. Показатели рождаемости оценивались с использованием шкалы оценки коэффициента рождаемости, предложенной Б.Ц.Урланисом. А также с помощью оценочных шкал оценивались кумулятивные коэффициенты рождаемости и описывались различия по регионам нашей республики. На основе анализа рядов динамики выявлены и оценены общие тенденции рождаемости.

Ключевые слова: Ретроспектив анализ, динамика численности населения, общий коэффициент рождаемости, суммарный коэффициент рождаемости, статистика, демографическая ситуация, тренд.

TRENDS IN FERTILITY RATES INDICATORS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abduraxmanov Abduazim Djalaitdinovich

Tashkent Institute of Finance PhD, professor of department "Statistics and econometrics"

Abstract

This article is devoted to the study of the dynamics of the birth rate in the Republic of Uzbekistan, which statistically analyzed the birth rate from the years of independence to the present. We also studied the dynamics of the total fertility rate, the dynamics of the total fertility rate, which allows you to get a visual idea of the birth rate for certain periods. Birth rates were estimated using the birth rate estimation scale proposed by B.Ts.Urlanis. And also with the help of rating scales, were estimated cumulative birth rates and differences were described in the regions of our republic. Based on the analysis of time series, general trends in fertility were identified and evaluated.

Keywords: Retrospective analysis, population dynamics, birth rate, total fertility rate, statistics, demographic situation, trend.

Кириш

Маълумки, аҳоли тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотлар иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётни режалаштиришда асос қилиб олинади. Демографик омил, аҳамияти жиҳатидан, ижтимоий ривожланишнинг ижтимоий ва иқтисодий омиллар қаторида турувчи сиёсий омиллардан ҳисобланади. Уларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганмай туриб мустақил Ўзбекистонни ва унинг айрим ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тўғри режалаштириб бўлмайди. Шу боис ҳам аҳолининг демографик ҳолатини баҳолаш ва қонуниятларини тушуниш учун бутун дунёда ва унинг турли минтақаларида кузатилаётган реал демографик жараёнларни ва унинг тамойилларини ўрганиш муҳимдир.

Бу борада, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съездидаги нутқларида демографик ўсишнинг аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтдилар. «Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 35 миллионга етди, 2026 йилга бориб эса 38 миллиондан ошиши кутилмоқда. – деди Ш. Мирзиёев. – Бу – юртимиз жаҳонда аҳоли сони бўйича 37-ўринга чиқиб, Польша, Канада, Саудия Арабистони каби давлатлар аҳолисидан ҳам ошади дегани. Аҳолимизнинг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этади ва ҳар йили меҳнат бозорига камида 600 минг ёшлар кириб келмоқда. Бундай демографик ўсиш биз учун ҳам имконият, ҳам жуда катта масъулият дегани».[1] деб таъкидлаб ўтдилар.

Шунга қўра, бугунги кунда республикаимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларини белгилашда, демографик жараёнларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Профессор Қ.Х. Абдурахмонов томонидан демографик тенденциялар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири аниқланган. Шунингдек, аҳолининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, аҳолининг кексайиш муаммоси ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ёш гуруҳлари ўртасидаги муносабатлар ҳамда Ўзбекистондаги демографик тенденциялар тадқиқ этилган [2].

Яна бир дарсликда демографиянинг фан сифатидаги шаклланиши, демографик жараёнларни ўрганиш манбалари, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишнинг демографик моҳияти, аҳолининг сон ва сифат хусусиятлари, такрор ҳосил бўлиш қонуниятлари, жинс, ёш, никоҳ ва оила таркиби, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли миграцияси, демографик прогнозлаштириш масалалари Қ.Х. Абдурахмонов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган [3].

Хорижий олим Борисов В.А. томонидан демографиянинг илмий назарий асослари, аҳоли тўғрисидаги маълумотлар, аҳоли сони динамикаси кўрсаткичлари, аҳоли таркиби ва уни ўрганиш усуллари, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишнинг демографик моҳияти, аҳолининг сон ва сифат хусусиятлари, такрор ҳосил бўлиш қонуниятлари, оила таркиби, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳоли миграцияси, демографик прогнозлаш масалалари ўрганилган [4].

Медков В.М. томонидан яратилган дарсликда демографиянинг фан сифатида шаклланиши, аҳоли ҳақида маълумотларни манбаалари, аҳоли сони ва таркибини умумий ўлчовлари ва динамикаси, туғилиш, ўлим, никоҳ қуриш, ажралиш, аҳоли такрор барпо бўлиши, коэффициентлар ва эхтимолликлар ҳамда демографик прогнозлаш, демографик сиёсат масалалари чуқур ёритилган [5].

А.Г.Вишневский томонидан аҳолининг такрор барпо бўлиши ва миграция хусусиятлари илмий ва назарий жиҳатлари билан бирга тарихнинг турли босқичларида авлодлар алмашинуви кўрсаткичларини ўрганилган [6].

Шунингдек, хорижий муаллифлардан с, С.Биллингсли, М.Барбиери каби олимлар Ўрта Осиёда демографик тенденциялар изланишлар олиб борганлар.

Бундан ташқари бошқа бир гуруҳ хорижий олимлар тадқиқотларида демографиянинг фан сифатидаги шаклланиши, демографик жараёнларни ўрганиш манбалари, аҳоли сони динамикаси кўрсаткичлари, аҳоли таркиби ва уни ўрганиш усуллари, туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралишнинг демографик моҳияти, аҳолининг сон ва сифат хусусиятлари, такрор ҳосил бўлиш қонуниятлари, жинс, ёш, никоҳ ва оила таркиби, ижтимоий-иқтисодий ҳолати масалалари тадқиқ этилган [7].


Таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган олимларнинг илмий тадқиқот ишларида туғилиш кўрсаткичлари ва унга таъсир қилувчи омиллар алоҳида объект сифатида чуқур ўрганилмаган. Балки, умумий демографик жараёнлар комплекс тарзда тадқиқ қилинган. Фикримизча Ўзбекистон Республикаси аҳолиси асосан табиий ҳаракат асосида ўсиб бораётганини эътиборга олган ҳолда айнан туғилиш кўрсаткичларини чуқур статистик таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистонда туғилиш тенденциялари ва динамикасига бағишланган ушбу мақолани ёзишда турли статистик усуллардан фойдаланилган бўлиб, унинг мақсади ушбу муаммони тўлиқ ва ҳар тарафлама ўрганиш эди. Бунинг учун узоқ муддатли ўзгаришларни аниқлаш ва туғилиш тенденциялари йўналишини аниқлаш имконини берадиган тренд таҳлили қўлланилди. Шунингдек тадқиқот давомида Ўзбекистонда туғилиш кўрсаткичлари мавсумийлигини ва циклигини ўрганиш учун вақт сериялари таҳлилидан фойдаланилди. Ушбу ёндошув вақт давомидаги ўзгаришлар ва тебранишларни батафсил ҳам аниқ йўналишларини аниқлашга имкон беради. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикасида демографик вазият шаклланишининг хусусиятлари ва тенденциялари бўйича демографик жараёнларни ўрганишга диалектик ва тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштира таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди ҳамда тарихийлик тамойилига асосланди.

Таҳлил ва натижалар

Маълумки мустақиллик йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг туғилиш жараёнида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Яъни туғилиш кўрсаткичлари динамикасида пасайиш ҳолати кузатила бошланди. Мазкур ҳолатни, туғилишни ифодаловчи барча кўрсаткичлар динамикаси акс эттирмоқда.



1-расм. Ўзбекистонда 1991-2021 йилларда туғилиш коэффициенти динамикаси (промилле)

Манба: Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар ишланмасы.

Агар 1991 йилда туғилишни умумий коэффициенти Республикада 34,5 ‰ ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 25,9 ‰ ни ташкил этди.

1-жадвал маълумотларидан шуни кўрсатмоқдаки, ўрганилаётган давр мобайнида давомида республикада жами туғилганлар сони 25,1 % га камайгани ҳолда, бу даврда шаҳар аҳолисида туғилганлар сони 74,9 % га ошган, қишлоқ аҳолисида эса 10,0 % га камайган. Албатта бу кўрсаткичлардан туғилиш кўрсаткичлари шаҳар аҳолисида жуда ҳам кўтарилиб кетибди деб хулоса қилиш мантиқан нотўғри ҳисобланади. Чунки, сўнгги 30 йил ичида аҳоли сони деярли 13,9 млн. кишига ортди.

1- жадвал

Ўзбекистон Республикасида 1991-2021 йилларда туғилиш динамикаси

Йиллар	Жами туғилганлар сони, минг киши			Ҳар 1000 киши ҳисобига туғилганлар сони		
	жами аҳоли	шу жумладан		жами аҳоли	шу жумладан	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
1991	723,4	224,7	498,7	34,5	26,7	39,8
1992	710,4	218,7	491,6	33,1	25,7	38,0
1993	692,3	205,5	486,7	31,4	23,9	36,1
1994	657,7	201,6	456,0	29,4	23,2	33,3
1995	677,9	208,9	469,1	29,8	23,8	33,5
1996	634,8	197,6	437,2	27,3	22,2	30,5
1997	602,6	187,1	415,6	25,5	20,8	28,4
1998	553,7	173,2	380,5	23,0	19,0	25,5
1999	544,7	169,6	375,1	22,3	18,5	24,7
2000	527,5	163,8	363,7	21,3	17,7	23,5
2001	512,9	159,4	353,4	20,4	17,1	22,4
2002	532,5	163,3	369,2	21,0	17,4	23,1
2003	508,4	155,8	352,6	19,8	16,5	21,7
2004	540,4	168,0	372,4	20,8	17,7	22,6
2005	533,5	164,7	368,8	20,3	17,3	22,1
2006	555,9	173,5	382,4	20,9	18,1	22,5
2007	608,9	191,4	417,5	22,6	19,7	24,2
2008	646,1	203,1	443,0	23,6	20,7	25,2
2009	651,3	192,2	459,1	23,4	20,3	26,7
2010	634,8	214,0	282,4	22,0	19,6	24,5
2011	622,8	206,1	273,4	21,2	18,9	23,7
2012	625,1	207,3	271,8	21,0	18,8	23,2
2013	679,5	231,0	302,8	22,5	20,1	25,0
2014	718,0	244,2	324,0	23,3	20,8	25,9
2015	734,1	325,6	408,4	23,5	20,5	26,5
2016	726,1	332,0	394,1	22,8	20,6	25,1
2017	715,5	325,1	390,3	22,1	19,8	24,4
2018	768,5	353,2	415,2	23,3	21,2	25,5
2019	814,9	378,6	436,3	24,3	22,3	26,3
2020	841,8	393,0	448,8	24,6	22,7	26,6
2021	905,2	-	-	25,9	23,9	28,0

Манба: Жадвал Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида 1991 йилда доимий аҳоли сони 20,6 млн кишини ташкил этган бўлса 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республиканинг доимий аҳолиси сони 34,5 млн кишини ташкил этган. Маълумки ҳар хил вақт оралиғида туғилган ва вафот этганларни сони бир хил бўлмайди, вақт оралиғи қанчалик катта бўлса, уларнинг сони ҳам шунчалик катта бўлади. Шу боис туғилиш коэффицентларини кўриб чиқамиз.

Кўрилаётган даврда туғилишнинг умумий коэффиценти республикада 32,4 шаҳар аҳолисида 22,4, қишлоқ аҳолисида эса 34,9 пунктга камайган. Ўрганилаётган даврдаги статистик маълумотларни даврларга бўлиб таҳлил қилинганда туғилиш кўрсаткичлари бир меъёрга бўлмаганлигини кўрсатди. Жумладан, 1991-1995 йилларда республикада жами туғилганлар сони 6,3 %га, 1995-2000 йилларда 22,2 фоизга камайган бўлса, аксинча 2000-2014 йилларда бу кўрсаткич 7,7 %га ортган. Шаҳар жойларида мос равишда туғилганлар сони 1991-1995 йилларда 17,3 % га ва 1995-2000 йилларда 21,6 %га камайиб, 2000-2014 йилда эса аксинча 49,0 % га кўпайган. Бу кўрсаткичлар қишлоқ аҳолисида шаҳар аҳолисига нисбатан юқори бўлиб, 1991-1995 йилларда 6 % га, 1995-2000 йилларда эса 22,4 %га камайиб, 2000-2014 йилларда эса аксинча 10,9 % га камайган. 2014-2020 йилларда эса 38 фоизга ортганини кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, кўрилаётган даврда республика ва унинг ҳудудларида туғилишнинг умумий коэффицентида ҳам ўзгаришлар кузатилган. Жумладан, республикада туғилишнинг умумий коэффиценти 1991-1995 йилларда – 4,7 пунктга, 1995-2000 йилларда – 8,5 пунктга камайиб, 2000-2007 йилларда эса аксинча 1,3 пунктга кўпайган. 2007-2014 йилларда эса 3,0 пунктга кўпайган. Туғилиш кўрсаткичларини 2 даврга бўлиб ўрганганимизда қуйидаги тенденциялар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Яъни умуман олганда Республикамизда мустақиллик йилларида умумий пасайиш тенденцияси кузатилган. Жумладан, 1991-йилдан 2005 йилга йилга қадар кескин пасайганини кўришимиз мумкин. Ушбу давр мобайнида республикада туғилиши коэффиценти 14,7 пунктга камайган бўлса, шаҳар аҳолисида 9,4 пунктга ва қишлоқ аҳолисида эса 17,7 пунктга камайганини кузатилди. 1991 йилларда ўртача йиллик пасайиш 1,33 пунктни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда 1991 йилга нисбатан 2005 йилга қадар туғилиш коэффиценти йилига ўртача 1,33 промиллдан камайиб келган. 2005 йилдан кейин туғилиш кўрсаткичларидаги тенденция бироз ижобий тарафга ўзгара бошлади. Яъни 2005 йилдан то 2021 йилга қадар туғилиш коэффицентлари оз бўлсада ўсишни бошлади. Жумладан 2005 йилда туғилиш коэффиценти 20,9 промиллени ташкил этган бўлса 2021 йилда 25,9 промиллени ташкил этди. Ушбу давр мобайнида ўртача йиллик ўсиш 0,3 промиллени ташкил этди.

Юқорида келтирилган рақамлар орқали биз фақатгина туғилиш кўрсаткичларидаги умумий тенденцияларни аниқлашимиз мумкин. Ўсгани ёки пасайгани билишимиз мумкин. Аммо биз бу кўрсаткичлар қанчалик катта ёки кичиклигини баҳолашимиз лозим бўлади. Шу боис биз туғилиш коэффицентларини баҳолаш учун Б.Ц.Урланис томонидан таклиф этилган туғилиш коэффиценти шкаласини қўллашимиз мумкин бўлади. Мазкур шкала бўйича туғилиш коэффиценти 15 гача бўлса туғилиш даражаси жуда паст, 16-20 гача бўлса паст, 21-25 бўлганда, туғилиш даражаси ўртача, 26-30 оралиғида бўлса,

ўртачадан юқори, 31-40 бўлса, юқори, 41-50 гача жуда юқори, агар 50 дан ҳам юқори бўлса ўта юқори, физиологик максимум даражада бўлади¹.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида туғилишнинг йиғинди
коэффициентини ўзгариши**

Йиллар	Жами аҳоли	Шаҳар аҳолиси	Қишлоқ аҳолиси
1991	4,199	3,130	4,994
1992	4,004	3,001	4,726
1993	3,800	2,793	4,500
1994	3,537	2,693	4,091
1995	3,597	2,803	4,125
1996	3,309	2,623	3,759
1997	3,083	2,453	3,491
1998	2,815	2,259	3,175
1999	2,720	2,189	3,061
2000	2,585	2,095	2,894
2001	2,469	2,021	2,748
2002	2,518	2,049	2,807
2003	2,357	1,934	2,614
2004	2,46	2,06	2,69
2005	2,36	1,99	2,58
2006	2,39	2,06	2,59
2007	2,55	2,22	2,74
2008	2,64	1,58	3,81
2009	2,53	2,19	2,90
2010	2,342	2,081	2,619
2011	2,236	1,991	2,495
2012	2,193	1,982	2,413
2013	2,350	2,130	2,575
2014	2,457	2,236	2,679
2015	2,491	2,230	2,749
2016	2,455	2,264	2,644
2017	2,419	2,212	2,623
2018	2,604	2,410	2,794
2019	2,785	2,593	2,976
2020	2,904	2,706	3,103
2021	3,173	2,946	3,404

Манба: Жадвал Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларини юқоридаги шкала бўйича таҳлили шуни кўрсатадики Ўзбекистон республикасида туғилиш коэффициенти 1991 йилдан то 1993 йилга қадар

юқори бўлган. 1999 йилдан то ҳозирга қадар эса ўртача даражада бўлган. Ушбу коэффицентларни ҳудудлар бўйича таҳлили барча вилоятлар бўйича бир хил бўлмаганлигини кўрсатади. Жумладан, бу шкала бўйича Тошкент шаҳри ўрганилаётган давр давомида туғилиш даражаси паст бўлиб, 2000-2005 йилларда шкаланинг ўта паст даражасига ҳам ўтган. Ҳозирги кунда қолган барча вилоятлардаги туғилиш коэффиценти туғилиш даражаси ўртачалигини кўрсатади.

Таъкидлаганимиздек, туғилиш коэффиценти туғилиш даражасини баҳоловчи кенг тарқалган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлсада, бироқ туғилиш даражасини аниқ ифодаловчи кўрсаткич деб бўлмайди. Чунки, туғилиш коэффицентига аҳолининг ёш-жинс таркиби бевосита таъсир кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг умумий таркибида энди туғилган болаларнинг ўзи ҳамда репродуктив ёшдан ўтган аёллар ҳам бор. Шу боис, туғилиш даражасини аниқроқ баҳолаш учун туғилишни йиғинди коэффицентидан фойдаланилади. Яъни, ушбу коэффицент ҳар 1000 та 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёлларга нисбатан туғилганлар сонини ифодалайди.

1996 йилда жами туғилганлар таркибида оилада учинчи ва ундан кейинги бўлиб туғилган фарзандлар салмоғи 35,3 фоизни ташкил этган бўлса 2007 йилда бу кўрсаткич 32,4 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда биринчи фарзандлар салмоғи эса 32,9 фоиздан, 38,7 фоизга ошди. Юқорида қайд этилганидек, туғилишни энг аниқ ифодаловчи кўрсаткичлардан бири унинг йиғинди коэффицентидир.

У маълум авлодга тегишли ҳар бир аёлнинг фарзанд кўриш даврида (ўртача 15-49 ёш) туғилган болаларининг ўртача сонини билдиради. Агар мазкур коэффицент қайси бир ҳудудда 4,15 дан юқори бўлса, шу ҳудудда аҳоли сони тез суръат билан кўпайиб боради, аҳоли таркибида болалар (0-14 ёш) салмоғи юқори бўлиб, қариялар (60 ёш ва ундан катталар) салмоғи паст бўлади. Агар туғилишнинг йиғинди коэффиценти 2,15 дан кичик бўлса, аҳоли жуда секин ўсиб боради, аҳоли таркибида болаларга нисбатан қариялар салмоғи юқори бўлиб, аҳолининг демографик қариш жараёни юз беради. Бу кўрсаткич 2,15-4,15 бўлса туғилиш даражаси нормал жуда юқори ёки жуда паст даражада кўпайиб бориши ҳам қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, туғилишнинг йиғинди коэффиценти бўйича 1990 йилларга қадар Ўзбекистон дунёдаги туғилиш даражаси юқори бўлган давлатлар гуруҳига кирар эди. 1985-1989 йилларда Ўзбекистонда туғилишнинг йиғинди коэффиценти 4,70 ни ташкил этган. Бу кўрсаткич 1990-1991 йилдан бошлаб камая бориб, ҳозирги даврда (2021 й.) эса 3,173 ни ташкил этмоқда. Мазкур коэффицент бўйича Ўзбекистон ҳозирги даврда туғилиш даражаси ўртача давлатлар қаторидан ўрин олган.

Туғилишнинг йиғинди коэффиценти республиканинг шаҳар аҳолисида 3,13 дан 2,94 гача ва қишлоқ аҳолисида эса мос ҳолда 4,99 дан 3,40 гача камайган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туғилишнинг йиғинди коэффиценти унинг шаҳар ва қишлоқларида деярли бир текисда пасайиб келмоқда.

Ўзбекистонда 1991 йилдан бошлаб, янги иқтисодий шароитни шаклланиши, яъни иқтисодиётнинг барча соҳаларида бозор муносабатларининг жорий этилиши ўлканинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларининг маълум даражада ўзгаришига сабаб бўлди. Республика мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичида аҳоли турмуш тарзида баъзи иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди.

Давлат томонидан аҳоли ижтимоий ҳимоя этилсада, ўлкада ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, айниқса, ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситалар ва улар ҳақидаги тушунчаларни омма ўртасида, шу жумладан қишлоқ ҳудудларида ҳам кенг тарқалиши, аҳолининг репродуктив майлига (оилада болалар сонига бўлган муносабатга) кескин таъсир этди.

Демографик тадқиқотларда қайд этилишича, республикада, шу жумладан, қишлоқ аёлларида ҳам туғилишни назорат этиш жараёни кенг тарқала бошлади. Ўрганилаётган даврда Ўзбекистонда оилада тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи ва ундан кейинги фарзандлар туғилиши кескин камайди. Бу ҳол Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида туғилишни ифодаловчи барча кўрсаткичлар динамикасида ўз ифодасини топган.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки сўнгги 30 йил мобайнида туғилиш тенденцияларини кескин ўзгарган бўлиб, 1991 йилдан то 2003 йилларга қадар туғилиш кўрсаткичлари кескин пасайиб, охириги 2005-2021 йиллар оралиғида биров кўтарилишни тенденцияси кузатилди. Ҳозирги авлод вакилларида туғилиш кўрсаткичлари кекса ва ўрта авлод вакилларида деярли 2 баробар қисқарган. Ушбу ҳолатга кўпроқ ижтимоий-иқтисодий омиллар сабаб бўлмоқда.

Фикримизча Ўзбекистонда дунёдаги ривожланган мамлакатлардаги каби демографик муаммолар юзага келмасилиги учун бугунги кундаги ижобий тенденцияларни имкон қадар оптимал тарзда сақлаб қолиш лозим. Шунингдек, мамлакатда демографик ривожланишни янада юқори сифатли аҳолини такрор барпо қилиш шароитларини таъминлаш мақсадида - аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу каби стратегик дастурларни амалга ошириш республикада аҳолини такрор барпо қилувчи юксак демографик салоҳиятни шакллантиришга ва ундан самарали фойдаланишга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съездидаги нутқлари
<https://www.gazeta.uz/uz/2021/09/09/president>
2. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: - «Меҳнат» - 2009. - 45 б.
3. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Демография. Дарслик. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2014. -364 Б.
4. Борисов В.А. Демография. – М.: Издательский дом НОТА ВЕНЕ, 2009. – 272 с.
5. Медков В.М. Демография: Учебник. 2-изд. – М.: ИНФРА-М, 2011 – 683 с.
6. Вишневский, А.Г. Демографическая история и демографическая теория: курс лекций / А.Г. Вишневский. – Москва: ИД Высшей школы экономики, 2019. – 368 с.
7. Демография: учебник для вузов. /Под ред. Глушкова В.Г., Смагина Ю.А. 5-изд., стер. – М.: Кнорус, 2010. – 288 с.
8. Урланис Б.Ц. Рождаемость и продолжительность жизни в СССР. - М., 1963.
10. Демографический ежегодник Узбекистана 2019. –Т.: -С. 127.
11. Demografiya (stat.uz). <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>